



O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ
VATAN —
BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 12-oktabr • Seshanba • 119 (31.239) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan
www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Швейцария делегациясининг ташрифи

■ Мамлакатимизга ташриф буюрган Швейцария Конфедерацияси Федерал йигини Кантонлар кенгашининг ташқи сиёсат масалалари бўйича комиссия раиси Эжен Давид раҳбарлигидаги делегация 11 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илгизар Собиров билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Швейцария ўртасидаги алоқалар кўлаб жабҳаларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Учрашувда икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Меҳмонларга Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида сўзлаб берилди.

Швейцария делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмухамедова билан ҳам музокара ўтказди.

— Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон — Марказий Осиёдаги кудратли мамлакатлардан, — деди Эжен Давид. — Олий Мажлисидаги мулоқотлар парламентаризм соҳасидаги ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва икки томонлама дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Делегация аъзолари мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида ҳам бўлиб, икки томонлама ҳамкорликка оид масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

(ЎзА)

ИНСОН МАНФААТИ — ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

уни таъминлаш давлатимиз сиёсатининг бош йўналишидир



Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва давлат қурилиши соҳаларидаги барча ислохотлардан кўзланган асосий мақсад — аҳоли турмуш фаровонлигини ошириб бориш, ҳар бир фуқаронинг касбий, интеллектуал ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратишга қаратилган. Бу эса Мингйиллик ривожланиш мақсадларида белгиланган вазифалар мамлакатимизда изчил бажарилишини таъминламоқда.

Президентимиз Ислоҳ Каримов БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисида сўзлаган нутқида бу ҳақда алоҳида

→2

ИШОНЧ БОР, ҲАРАКАТ БОР натижа ҳам шунга яраша

ЎЗХДП: Жамоатчилик қабулхоналарида

■ Тошкент вилоятида 6 та шаҳар, 15 та туман партия кенгаши фаолият кўрсатади. Аини пайтда вилоят бўйича жами 25 та Жамоатчилик қабулхонаси ишлаб турибди. Уларда аҳоли муурожаатларини ўрганиш ва кўтарилаётган масалалар ечими бўйича катта тажриба тўпланаётир. Хўш, бу тажриба электорат манфаатига қанчалик хизмат қилмоқда? Жамоатчилик қабулхоналарида бугунги аҳвол қандай? Айнан шу саволларга Тошкент вилоятидаги Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти мисолида жавоб излашга ҳаракат қилдик.

→2

Санъат, гўзаллик ва нафосат байрами

Тошкентда «Art Week Style.Uz» санъат ҳафталиги давом этмоқда

■ Ҳафталик «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Бадий академияси ва Тошкент Фотосуратлар уйи ҳамкорлигида Ёшлар ижод саройида ташкил этилган «TashkentALE — 2010» бешинчи халқаро Тошкент фотобиеннаlesi билан бошланди.



Отабек МИРСОЛТОВ (ЎзА) олган сурат.

Кўрғазманинг очилишида юртимиз ва хорижлик рассомлар, фотосуратчилар, дизайнерлар, санъатшунос олимлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, юртимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ва хорижий дипломатик корпус вакиллари, санъат ихлосмандлари иштирок этди.

Ҳафталик мамлакатимиз ва хорижлик дизайнерлар, рассомлар, санъатшунослар, модельерлар, фотоусталарнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашиши, ижодий ҳамкорлигини янада кенгайтириши учун қулай имкониятдир. Энг асосийси, ёшларнинг бадий-эстетик дидини тарбиялаш, маънавиятини янада юксалтириш, уларни миллий ва жаҳон санъатининг энг нодир намуналаридан баҳраманд этишда муҳим аҳамият касб этади.

14 октябрдан давом этаётган ушбу ҳафталикнинг дастлабки кунларида Миллий санъат марказида Франциялик рассом Катрин Метэ, Тошкент Фотосуратлар уйида италиялик фотомусаввир Марко Перего ижодига бағишланган кўрғазмалар, Япония, Испания, Буюк Британия дизайнерлари томонидан тайёрланган либослар коллекцияси намойиши, маҳорат сабоқлари, Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтида мода соҳаси истиқболларига бағишланган анжуман ўтказилади.

(ЎзА)



Янги жаҳон чемпионлари

КАШФ ЭТИЛДИ

Спорт

■ Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида таэквондо (WTF)нинг пумсе йўналиши бўйича V жаҳон чемпионати юқори савияда ўтказилди.



Уч кун давом этган мусобақада дунёнинг эллик саккиз давлатидан келган таэквондо усталари голиблик учун кураш олиб боришди. Мусобақанинг дастлабки кунини муваффақиятли катнашган ҳамюртларимиз Алла Таранова кумуш, Зафар

Сатторов бронза медалига сазовор бўлди. Жаҳоннинг энг кучли терма жамоалари иштирок этган баҳсларда вакилларимиз яна икки бор шохсулага кўтарилишди. Александр Ли ва Ирина Дергач жуптлиги комплекс машқлар ижроси

бўйича кумуш, Александр Ни, Михаил Афиногенов, Александр Лим «трио»си бронза медалларини кўлга киритди.

— Хабарингиз бор, таэквондо(WTF)нинг кўруги йўналиши Олимпия уйинлари дастурига киритилган бўлиб, бу мамлакатимизда жуда яхши ривожланган, — дейди Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Александр Ли. — Бу йўналиш бўйича таэквондочиларимиз Ирина Кайдашова, Наталья Микрюкова, Евгения Каримова, Акмал Эргашев бир қатор йирик мусобақаларда кучлилар сафидан жой олишган, Олимпия уйинларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишган. Пумсе йўналиши спортчиларимиз учун янгилик ҳисобланади. Шунга қарамай, дунёнинг энг етакчи таэквондочиларини жамлаган жаҳон чемпионатида шогирдларимизнинг қайд этган натижасини ижобий баҳолаша арзийди.

4-бет

ЭЛ ДАРДИ
БИЛАН
ЯШАШ —
БАХТ →2

ЎЗБЕК
КУРАШИ
ҚУЛОЧ
ЭЙМОҚДА →4

Эътироф

Ўзбекистон тарихий ёдгорликлари, моҳирона таъмирланган ва нозик дид билан безатилган қадимий обидалари, муқаддас зиёратгоҳлари, хушманзара табияти ва файзли гўшалари билан жаҳон сайёҳларини ўзига ром этмоқда. Юртингизда барча соҳалар жадал тараққий этмоқда. Хусусан, авиация соҳаси юксак ривожланганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Илгори Ҳиндистондан Ўзбекистонга учинчи давлатлар орқали келар эдик. Бу кўп вақт ва маблағ талаб этарди. Ҳозир эса бунинг учун уч соат кифоя, холос. Ўзбекистоннинг энг катта ютуғи мамлакатдаги тинч ва осуда ҳаёт, барқорор ривожланаётган иқтисодиётдир. Ҳар келганимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорликларни кўриб қувонаман.

Сатиш ЧАНД
(Ҳиндистон)

ОБ-ҲАВО 12-13.10. 2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	☀️ 27°C	☀️ 24°C
Самарқанд	☀️ 25°C	☀️ 23°C
Нукус	☀️ 24°C	☀️ 23°C
Қарши	☀️ 28°C	☀️ 27°C
Ургач	☀️ 24°C	☀️ 23°C
Навой	☀️ 25°C	☀️ 23°C
Фарғона	☀️ 24°C	☀️ 22°C
Бухоро	☀️ 25°C	☀️ 23°C
Андижон	☀️ 24°C	☀️ 22°C
Наманган	☀️ 24°C	☀️ 22°C
Термиз	☀️ 28°C	☀️ 27°C
Жиззах	☀️ 25°C	☀️ 23°C
Гулистон	☀️ 25°C	☀️ 23°C
Тошкент вил.	☀️ 25°C	☀️ 23°C
Лондон	☁️ 12°C	☁️ 13°C
Париж	☁️ 12°C	☁️ 15°C
Москва	☁️ 7°C	☁️ 8°C
Мадрид	☁️ 14°C	☁️ 15°C
Пекин	☁️ 14°C	☁️ 13°C
Гонгконг	☁️ 22°C	☁️ 21°C
Рим	☁️ 13°C	☁️ 12°C
Анкара	☁️ 10°C	☁️ 8°C
Токио	☁️ 16°C	☁️ 15°C
Стокгольм	☁️ 8°C	☁️ 7°C
Кейптаун	☁️ 13°C	☁️ 12°C
Хоҳира	☁️ 15°C	☁️ 14°C
Гавана	☁️ 23°C	☁️ 27°C
Вашингтон	☁️ 10°C	☁️ 10°C

O'zbekiston havo yo'llari



Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIIY BANKINING 2010 YIL 12 OKTYABRДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ


1 Австралия доллари	1600,52	1 Миср фунти	285,12	1 СДР	2544,85	10 Жанубий Корея вонини	14,51
1 Англия фунт стерлинги	2586,97	1 Канада доллари	1606,70	1 Туркия лираси	1149,45	10 Япония иенаси	197,91
1 БАА дирхами	441,95	1 Хитой юани	243,39	1 Швейцария франки	1685,62	1 Россия рубли	54,27
1 АҚШ доллари	1623,25	1 Малайзия рингити	523,29	1 Евро	2248,57	1 Украина гривнаси	205,22

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Истиқлол имкониятлари

Мустиқиллик мамлакатимиз темир йўл тизимида улкан ислохотлар даврини бошлаб берди. Ўтган йиллар мобайнида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси дунёнинг қатор темир йўл компаниялари, корпорация ва ташкилотлари билан ўзаро тенг ва ишончли ҳамкорликни йўлга қўйди.

«ЎЗБЕКИСТОН» ПОЕЗДИ йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатмоқда



Йўналишларда йўловчиларни ташиш филиали бошлиғи Нажмиддин Зайнитдинов. — Масалан, бундан бир ярим йил аввал «Қазақстан темир жўлы» акциядорлик жамияти миллий компанияси билан қўнунчилик ҳужжатларини юритиш, божхона қўнунчилигидаги ўзгаришлар ҳамда юк ва йўловчи ташиш поездларини ўз вақтида қабул қилиш, жўнатиш масалалари кўриб чиқилиб, бу борада янги келишувлар имзоланди.

Шу поездда сафарга чиқдик. Йўл-йўлакай барча манзарани кузатиб бордик. Авваллари уч мамлакат чегарасидаги тўртта текшириш постида поезд узоқ муддат қолиб кетарди. Негаки текширувларни вақти белгиланмаган эди. Баян уч, ҳатто тўрт соатлаб поезд чегарада туриб қоларди.



Уч мамлакат — Ўзбекистон, Қозоғистон ва Россия Федерацияси ҳудудидан ўтадиган тезкор поездимизга турли миллат вакиллари бўлмиш йўловчилар ҳавас қиладилар. — дейди биз билан суҳбатда поезд бошлиғи Алишер Ҳамитов. — Поезdimизда яратилган шароитлар, одамларга қўрсатилаётган сифатли хизматлар, вагон-ресторанда тайёрланаётган сифатли таомлар йўловчиларга манзур бўлмоқда.

Мурод Орифжонов, Қобил Ибодов ва бошқаларнинг хизматидан мамнун эканимизни билдиришимиз. Нихоят, Россия пойтахтининг Қозон вокзалига ҳам етиб келдик. Барча йўловчилар поезд хизматчиларига раҳмат айтиб, тушиб кетишимиз.

Японияга бориб, севган йигитим билан учрашаман. Ҳа, дарвоқе, биз кетаётган «Ўзбекистон» поезди ҳам менда яхши таассурот қолдирди. Йўловчиларга яхши хизмат қилаётган поезд ходимларига миннатдорчилик билдираман.

Шу билан бирга, янги-янги темир йўл линиялари ишга туширилди, муқташам иншоотлар, кўркам ва замонавий бекатлар, вокзаллар қад кўтарди. Компанияда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мантқий давоми сифатида темир йўл линияларини электрлаштиришда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дастлаб, «Тошкент — Мароқанд» йўналиши тўлиқ электрлаштирилди. Яқинда эса 114 километр уzunлигида «Тошкент — Анжен» темир йўл участкаси ҳудудини электрлаштириш борадидаги катта ҳажмдаги ишлар муваффақиятли якунланди.


Кейинги йилларда «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК билан МДХ мамлакатлари миллий темир йўл компаниялари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кучайиб бормоқда. — Қўшни давлатлар темир йўл компаниялари билан амалга оширилаётган ҳамкорлик алоқалари яхши-самар бермоқда, — дейди «Ўзтемирйўл»нинг очик акциядорлик жамияти Халқаро

Истиқлол йилларида «Ўзбекистон» поездида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Авваламбор айтиш кераки, бу поезддаги жами 16 та вагон замонавийлиги билан ажралиб туради. Бу вагонлар бундан бир неча йил аввал Германиядан келтирилган эди. Яқинда биз «Ўзбекистон» номи билан юритилувчи ана

хаво оқими юборилиши, қишда иссиқ бўлиши таъминланади. Агар бирорта камчилик ёки шикастланиш юз берса, дарров бартараф этамиз. Айтилик, бирон вагон гилдираги шикастланди. Бундай пайтда механикларимиз уни имкон борича тез тузатишади. Уни алмаштириш керак бўлса, қайси юрт ҳудудида бўлишига қарамай, яқин станция ёки деполарнинг бирида мухтаassisлар кўмағида таъмирлашга зришамиз.

Орадан саккиз соатлар чамаси вақт ўтгач, поездимиз вагонлари яна тўлган ҳолда Тошкент томонга йўл олди. Катта таассуротлар билан кайтар эканимиз, қўшни кулдан бир хорижлик қиз чиқиб қолди. У Буюк Британиянинг Саутхемптон шаҳридан экан. Уни суҳбатга тордик.

— Йўл бўлсин, ҳўш, қаерга отландингиз? — Менинг исмиМ Катрина Штетгем. Ёшим 26 да. Дунё бўйлаб саёхатга чиққанман. Испания, Германия, эх-хе, бутун Европани кезиб чиқдим. Энди эса Тошкентга, Ўзбекистонга йўл олдим. Самарқанд, Бухоро, Хива сингари шаҳарларга боришни орзу қилиб юрамдим. Нихоят, ниятиМга етсам керак. Кейин эса Алматига бораман. Пировардида



Якқабое туманидаги кўп тармоқли болалар шифохонасида тумандаги 69629 нафар 1-14 ёшдаги болаларга тиббий хизмат кўрсатилади. Шифохона 80 ўринли бўлиб, болалар, чақалоқлар, реанимация, лор ва неврология бўлиmlаридан иборат. Бундан ташқари, физиотерапия, лаборатория хоналари ҳам маъжуд.

2007-2008 йилларда туман ҳокимлиги ва ҳомийлар томонидан юз миллион сўмга яқин маблағ ажратилиб, чақалоқлар ва реанимация бўлиmlари капитал таъмирдан чиқарилди. Шу билан бирга, «Саломатлик-3» лойиҳаси асосида бир қанча замонавий аппаратлар ҳам олиб келиб ўрнатилди. Шифохона ходимлари тумандаги умумтаълим мактаблари, коллежлар, ҚФЙ ва МФЙлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН! «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси ҳозирги вақтда Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида газ тақсимоти тармоғидаги йўқотишларни камайитириш бўйича лойиҳани амалга ошириш жараёнида фаол қатнашмоқда. Мазкур лойиҳадан мақсад газ йўқотишларини қисқартириш бўйича тадбирларни амалга ошириш воситасида атмосферага метан ва газ чиқарилишини камайитиришга қаратилган, бу ўз навбатида климат ўзгаришига қарши курашда муносиб ҳисса бўлиб қўшилиди. Лойиҳа БМТнинг климат ўзгариши тўғрисидаги конвенциясининг (UNFCCC) Соф Ривожланиш Механизми (СРМ) лойиҳаси доирасида амалга оширилди. Механизм тўғрисидаги батафсил маълумотни www.unfccc.in сайтидан олиш мумкин.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИҲАТИДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ

2010 йилда қурилиш режалаштирилган кўйидаги объектни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Table with 4 columns: №, Объект номи ва манзили, Буюртмачи бошланғич нархи КҚС билан, Буюртмачи бошланғич нархи КҚСиз, Қурилиш муддати. Row 1: Самарқанд шаҳри, Мингтут кўчасида жиноят ишлари бўйича вилоят суди биноси қурилиши, 2 986 191 814 сўм, 2 488 493 178 сўм, 12 ой.

Қурилиш ишлари Суд департаментининг Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси ўз маблағи ҳисобидан молиялаштирилади. Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш

лар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мухтаassisлар маъжудлиги, танловга қўйилган объектга ўшаши иншоотларда ишлаганил тажрибасига, кўнкмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим. Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қўйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солигиндан озод қилинадиган то-

варлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади. Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қўйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона.

Тел: 231-13-51, факс: 233-32-00. Танлов ҳужжатлари бир тўпلامининг қиймати — 80 000 сўм. Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш куни ва соатига. Тақлифлар (оферталар) очилиш матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб қандайдир 30 кундан кейин қўйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10.00 да ўтказилади.

Хорижда 46 нафар ПОЛИЦИЯ ХОДИМИ қамоққа олинди


Эквадор маъмурияти давлат тўнтариси қилишга уринганликда айблаб, 46 нафар полиция ходимини қамоққа олди. Мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги манбаларига асосланиб, «АР» АА бу ҳақда хабар тарқатди.

Ахборотда қайд этилишича, 30 сентябрь кунги юзлаб полиция ходими ва ҳарбий хизматчилар уларга аввалдан бериб келинаётган қўшимча пул маблағлари ва бошқа имтиёзлар қисқартирилишини назарда тутувчи янги қонун қабул қилинишига қарши норозилик намойиши уюштирган. Яъни, Киотодаги ҳарбий қазарма ва ҳарбий базаларни ҳамда пойтахт шаҳардаги халқаро аэропортни камал қилиб олганлар. Ҳатто норозилик акти иштирокчилари мамлакат президенти Рафаэль Корреани жароҳатладилар. Президент госпиталга ётқизилгач, госпитални камал қилдилар. Ун соатлардан кейингина президентга содик ҳарбийлар томонидан госпитал қамалдан озод қилинди.

Айрим маълумотларга кўра, оммавий ҳаракатда 5 киши ҳалок бўлди. Эквадор мудофаа идораси бошлиғи Густаво Халк бу оммавий акцияни ўтказишдан мақсад факат норозилик билдириш бўлмаганилиги, давлат тўнтарисига уришишга қарши норозилик акцияни қўйиш мақсад борлигини тасдиқловчи сўзлашувлар ёзувини терговчилар қўлга киритганини алоҳида таъкидлади. Президент эса давлат тўнтарисига уришишлар ҳеч қачон кеңирилмаслигини, миллии полиция таркибида тозалаш ўтказиш шартлигини маълум қилди.

Турар-жойлар қурилиши

Араб давлатлари лигасининг Ливияда бўлиб ўтган мажлисида лигага аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари Иордан дарёсининг гарбий қирғоғида Исроил томонидан амалга оширилаётган турар-жой қурилишлари дарҳол тўхтатилиши лозимлиги ҳақида баёнот бердилар. Шунингдек, лига аъзолари Фаластин — Исроил музокаралари доирасида вазиятни яхшилаш учун АҚШ маъмуриятига бор ой муҳлат берди ва шу муддат ичида вазиятни яхши томонга ўзгартиришни АҚШ маъмуриятидан талаб қилди.



Маълумки, икки йиллик танаффусдан сўнгу йил 2 сентябрда Вашингтонда бошланган Фаластин — Исроил музокаралари Исроил томонидан Иордан дарёси гарбий қирғоғида турар-жой қурилишлари бошлаб қўрилгач, барбод бўлиш афасисига келиб қолди. Фаластин маъмурияти Исроил қурилишнинг давом эттирса, музокара жараёнидан бутунлай чиқини билдирди. Шу боис ҳам сўнги ҳафтalarda АҚШ маъмурияти музокара жараёнини сақлаб қолиш учун катта куч сарфлади, дейилади «Новости» АА хабарида.

Ноқонуний миграция кучайиб бормоқда

Мексика пойтахтида бўлиб ўтган Лотин Америкаси мамлакатлари ички ишлар вазирлари мажлисида Мексика ички ишлар вазири баёнот бердики, мамлакат маъмурияти «наркотрефляга уруш» эълон қилгандан сўнгу наркотик билан боғлиқ жиноятлар ўсиши секинлашган бир пайтда ноқонуний миграция билан боғлиқ уюшган жиноятчилик кучайган.

Яъни, Лотин Америкаси мамлакатларида Мексика орқали АҚШга ноқонуний миграция амалга оширувчи уюшган гуруҳлар кўпайиб бормоқда. Уюшган гуруҳлар шу йўл билан йилига 6 миллиард долларгача даромад кўрмоқда, дейилади БМТ маълумотида. Бу гуруҳлар бир муҳожирни АҚШга ноқонуний йўллар билан ўтказиб қўйиш учун ундан 2 миң долларгача ҳақ олади. АҚШ маъмурияти ҳисоб-китобларига кўра, ўтган йили Мексика — Америка чегарасидан ноқонуний ўтмоқчи бўлган 661 миң нолегал муҳожир ушланган. 3,3 миллион нолегал муҳожир эса АҚШ ҳудудига ўтишга муваффақ бўлган.

